

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.30.05.2020.T.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ**

**МАМАШАРИПОВ АБДУНАБИ**

**АРРАЛИ ЖИН ЧИГИТ ТАРОҒИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ АСОСИДА  
ИШ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

**05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси  
ва хомашёга дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган – 2021 йил**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
technical sciences**

**Мамашарипов Абдунаби**

Аррали жин чигит тароғини такомиллаштириш асосида иш унумдор-  
лигини ошириш..... 3

**Мамашарипов Абдунаби**

Повышение производительности пильного джина на основе  
модернизации семенной гребенки..... 21

**Mamasharipov Abdunabi**

Increase productivity by upgrading the seed comb of the saw gin..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 42

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.30.05.2018.T.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК-ИНСТИТУТИ**

**МАМАШАРИПОВ АБДУНАБИ**

**АРРАЛИ ЖИН ЧИГИТ ТАРОҒИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ АСОСИДА  
ИШ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

**05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси  
ва хомашёга дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган – 2021 йил**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/T527 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Андижон машинасозлик институтида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Наманган муҳандисликтехнология институти ҳузуридаги Илмий кенгашнинг веб-саҳифасига ([www.nammti.uz](http://www.nammti.uz)) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталига ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Мадумаров Илхомжон Дедаханович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Эргашев Жамоллидин Саматович**  
техника фанлари доктори

**Муминов Мансур**  
техника фанлари бўйича фалсафа доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Жиззах политехника институт**

Диссертация химояси Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги PhD.30.05.2018.T.66.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “25” сентябрь соат 8<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160115, Наманган шаҳри, Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (69) 225-10-07, факс: (69) 228-76-75. e-mail: [nei\\_info@edu.uz](mailto:nei_info@edu.uz), Наманган муҳандислик-технология институти маъмурий биноси, 1-қават, кичик мажлислар зали).

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (417-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (69) 225-10-07.)

Диссертация автореферати 2021 йил “13” сентябрь куни тарқатилди.  
(2021 йил “13” сентябрдаги 46-рақамли реестр баённомаси).

**Р.Муродов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси ўринбосари, т.ф.д., профессор

**Ҳ.Т.Бобожонов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

**Қ.Холиков**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Пахта бўйича Ҳалқаро консултантив кўмита (ICAC) маълумотларига қараганда “...жаҳонда ҳар йили 23-24 млн тонна пахта толаси ишлаб чиқарилмоқда, унинг истеъмоли 24-25 млн тоннани ташкил этади”<sup>1</sup>. Сўнги йилларда пахта толасига бўлган эҳтиёжнинг ошиб бориши жаҳон бозорида рақобатбардош сифатли тола ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Пахта толасини ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини сақлаб қолиш ва таннархини камайтириш, ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида маҳсулот сифатига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни бартараф қилиш ва маҳсулот таннархини камайтирувчи ресурстежамкор технологияларни яратиш соҳадаги муҳим вазифалардан бўлиб қолмоқда.

Пахтага дастлабки ишлов бериш технологияси, жумладан пахта толасини чигитдан ажратиш жараёни техника ва технологиясини такомиллаштириш борасида кенг кўламли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан, тола ажратиш технологик жараёни самарадорлигини оширишнинг илмий асослари ишлаб чиқиш, илмий хажмдор, шунингдек замонавий техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш орқали маҳсулот сифатини яхшилаш ва таннархини пасайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, пахта толасини чигитдан ажратиш жараёнида тола ва чигитнинг дастлабки сифат кўрсаткичларини сақлаб қолиш, маҳсулот сифатини бошқара оладиган технологияларни ва ускуналар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан “... миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш” вазифаси белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни бажаришда пахта толасини чигитдан ажратиш жараёнининг назарий ва амалий таҳлиллари асосида тола ажратиш машинаси чигит тароғи конструкциясини такомиллаштириш асосида машинанинг иш унумдорлигини ошириш, жумладан толаси тўлиқ ажратиб олинган чигитларни ишчи камерадан тезроқ чиқариб юбориш ҳисобига жинлаш жараёнида энергия сарфини камайтириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини сақлаб қолиш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ-3408 сон “Пахтачилик тармогини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 мартдаги 253-сон “Пахта тўқимачилик ишлаб

---

<sup>1</sup> International cotton advisory committee.Washington,From the Secretariat of the ICAC. email secretariat@icac.org, September 1, 2019

чиқаришлари ва кластерлари фаолиятини ташкил этиш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятига тегишли бошқа маъерий — ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги.** Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиясини ривожлантиришнинг устувор йўналиши доирасида олиб борилди: II. ” Энергетика, энергия ва ресуртежамкорлик”

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистон ва МДХ республикаларининг кўплаб олимлари томонидан олиб борилган илмий тадқиқотларда хомашё валигида чигит тезлиги, таркиби, зичлиги ва бошқаларни, яъни аррали жин ишчи камерасидаги жинлаш жараёнига таъсири ўрганилган. Бироқ, аррали жин чигит тароғини такомиллаштириш борасида назарий ва амалий тадқиқотлари олиб борилмаган<sup>2</sup>.

Пахтага ишлов бериш техника ва технологиясини такомиллаштириш, аррали жинлар ишчи органларини ҳисоблаш ва лойиҳалаш методларини ишлаб чиқиш, жин ишчи органларини янги конструкцияларини яратиш, технологик параметрлари ва жинлаш жараёнини муқобиллаштириш бўйича чет эл муҳандис ва олимларидан K.Grın, E.Uitney, X.Xolms, I.Perkins, G.klark, E.Lumpkin, A.Martinenko, P.Pflyger, S.Jonkers, L.Gladinevis, V.Pampel, X.Shommer, G.Viyet, H.kolchin, F.Piner, P.Bernard ва бошқалар томонидан олиб борилган тадқиқотларини алоҳида эътироф этиш лозим.

Ўзбекистонда Б.Левкович, Г.И.Мирошниченко, Г.И.Болдинский, В.Г.Гулидов, П.Н.Тютин, Д.А.Котов, Р.М.Каттахўжаев, М. Тиллаев, Б.М.Мардонов, А.П.Парпиев, Х.Т.Ахмедходжаев, Р.М.Мурадов, Р.Х.Максудов, Д.М.Мухаммадиев, Э.Т.Махсудов, Р. Сулаймонов ва бошқа олимларнинг пахта толасини чигитдан ажратиш бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотлари натижасида пахта тозалаш соҳаси фани, техника ва технологияси муайян даражада ривожланди.

Аррали жин техникаси ва технологиясини такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишлари дунёнинг етакчи мамлакатларидаги (АҚШ, Хиндистон, Хитой, Туркия ва Бразилия) олий ўқув юртларида ва илмий марказларда олиб борилмоқда, шу жумладан, Texas Tech University, Samuel Jakson Incorporated, U.S.Department of agriculture, Lummus, USDA Ginning Cotton Research Unit, Cotton Research Institute of Nanjing Agricultural University Lebed (Китай), Central Institute for Research on Cotton Technology. Ҳозирги кунда пахта тозалаш ускуналари АҚШ, Ўзбекистон, АҚШ лицензияси билан Хиндистон ва Хитойда ишлаб чиқарилмоқда.

---

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи [www. Chnnawarpingmachinc.com](http://www.Chnnawarpingmachinc.com), [www.zaurcr.com](http://www.zaurcr.com); [www.t-ccxj.apa.co.jp](http://www.t-ccxj.apa.co.jp), [www.zzfj.com](http://www.zzfj.com), <http://www.Bennin.gergroup.com>, [www.somet.it](http://www.somet.it), [www/picanol.bi](http://www/picanol.bi), <http://www/toyoda.com>, [www.bstzjx.com](http://www.bstzjx.com), International journal of applied and fundamental research Ва бошқа манбаалар асосида ишлаб чиқилган.

АҚШда пахтани дастлабки қайта ишлаш ускуналари соҳасидаги тадқиқотлар Стоунвилл, Лаббок и Мезилла парк шаҳарларидаги қишлоқ хўжалиги департаменти лабораторияларида олиб борилмоқда.

АҚШнинг Льюмус, Мюнгер, Хенкок Муррей, Хардвиг Эттер, Америка инженер-механиклари жамияти каби илмий мактаблар мутахассислари ҳам пахтани дастлабки ишлаш технологиясини янада такомиллаштириш бўйича кенг қамровли илмий-тадқиқот ва лойиха-конструкторлик ишларини олиб бормоқдалар.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Наманган муҳандислик-технология институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг №9 ГНТП- 12-24 “Создание высокоэффективной технологии отделения волокна с целью повышения качество выпускаемого хлопкового волокна” (2003-2005 йй) мавзусидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** аррали жин чигит тароғини такомиллаштириш асосида иш унумдорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини сақлаб қолишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари.** Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги илмий ва амалий муаммоларни ҳал қилиш режалаштирилди:

толasi тўлиқ ажратиб олинган чигитларни колосник бўйлаб ҳаракат қонуниятларини назарий тадқиқ қилиш;

толasi тўлиқ ажратиб олинган чигитлар массаси оқимини колосник бўйлаб тарқалиш қонуниятини ўрганиш.

чигит тароғи конструкцияси ўзгаришини жин ускунасининг тола ва чигит бўйича иш унумдорлигига таъсирини ўрганиш;

чигит тароғи конструкциясини ўзгаришини хомашё валиги зичлигига ва чигит механик шикастланиш даражасига таъсирини ўрганиш;

чигит тароғи конструкцияси ўзгаришини чигитнинг тўлиқ тукдорлигига ва хомашё валигининг толадорлигига таъсирини ўрганиш;

чигит тароғи конструкциясини ўзгаришини ва горизонтга нисбатан жойлашиш ҳолатини толани таркибидаги ифлосликлар ва нуқсонлар миқдорига таъсирини ўрганиш;

тажрибалар асосида аррали жин чигит тароғини рационал конструкциясини яратиш;

таклиф этилган чигит тароғининг рационал конструкциясини ишлаб чиқариш жараёнида синаб кўриш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида пахта хомашёсини жинлаш технологик жараёни олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** турли селекцион ва саноат навли пахта ҳамда чигит тароғи конструкцияси ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотлар жараёнида олий математика, назарий механика, шунингдек, туташ муҳитлар динамикаси, эҳтимоллар назарияси, экспериментларни режалаштириш ва оптималлаштириш, ўлчаш,

назорат қилиш, тадқиқот натижаларни солиштириш, таҳлил қилиш ва баҳолаш усуллари қўлланган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

тола ажратиш технологик жараёнида толаси тўлиқ ажратиб олинган чигитларни аррали тола ажратиш машинаси колосниклари бўйлаб ўзгармас тезлик билан ҳаракатланаётган чигитлар оқимининг ҳаракатланиш қонуниятини ифодаловчи математик модель олинган;

тола ажратиш машинаси колосник йўлакчаси икки ёнидаги арра дисклари вертикал ўқи бўйлаб тўлиқ ажратиб олинган чигитларнинг колосник контури бўйлаб тезликларини тақсимланиши қонунияти аниқланган;

тола ажратиш технологик жараёнида ишчи камерадаги хомашё валиги зичлигини муқобиллаштирувчи, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини сақлаб қолиш имкониятига эга аррали жин чигит тароғини рационал конструкцияси ишлаб чиқилган;

кўп омилли математик режалаштириш тажрибалари асосида тола ажратиш машинасининг иш унумдорлигини ошириш имкониятини берувчи чигит тароғи конструкциясининг рационал параметрлари аниқланган;

тола ажратиш технологик жараёнида хомашё валиги толадорлигини ошириш, чигитнинг механик шикастланганлик даражаси камайтириш имкониятини берувчи чигит тароғи конструкциясини горизонтал тексликка нисбатан жойлашиш бурчаклари аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Ишнинг натижалари бизга аррали жинлаш жараёнининг илмий асосларини ишлаб чиқиш имкониятини беради. Назарий ишланмалар ва экспериментал изланишлар асосида пахта чигитини ишчи камерадан ўз вақтида чиқариб олиш учун чигит тароғининг янги конструкцияси ишлаб чиқилди, бу эса пахтани қайта ишлашнинг самарали технологиясини яратишга имкон берди. Тажрибани режалаштириш натижаларини таҳлил қилиш орқали хомашё валигининг зичлигини камайтирувчи, маҳсулот сифатини сақлаб қолувчи чигит тароғининг такомиллаштирилган конструкцияси ишлаб чиқилди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** математик моделларнинг экспериментал тадқиқотлар натижалари, қиёсий таҳлил натижалари ва математик статистика усуллари маълумотларига мослиги, назарий ва тажрибавий изланишлар натижаларини ўзаро мутаносиблиги ва фан, техника ва технологиялар ривожланишининг амалдаги ва истиқболдаги анъаналарига мувофиқ келиши, тадқиқотларда стандарт усул ва замонавий нazorat-ўлчов воситаларидан фойдаланилганлиги, тавсия этилган чигит тароғи бўлган аррали жиннинг коллегиял ҳолда ўтказилган ва расмийлаштирилган ишлаб чиқариш синовлари ҳамда мавжуд аррали жин кўрсаткичлари билан солиштириш натижалари орқали изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти аррали жиннинг тавсия этилган чигит тароғи ва пахта бўлакчалари ҳаракатларини ифодаловчи динамик ва математик моделлари, масалаларнинг сонли ечимлари, ҳаракат қонунлари ва



параметрларининг ўзаро боғланишлари, машинани ишлаш режимларини танлаб олиш усулларининг пахтани жинлаш назарияси асосларини муайян даражада бойитиш ва ривожланишига хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишнинг ишлаб чиқариш эҳтиёжларидан келиб чиқиб амалга оширилганлиги, олинган натижаларнинг амалиётдаги натижалар билан мутаносиблиги, тажрибавий тадқиқот натижаларига биноан такомиллашган чигит тароғини жорий этиш ҳисобига жинлаш самарадорлигини оширишни таъминлаши ва иқтисодий самарадорлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Аррали жин чигит тароғини такомиллаштириш йўли билан жинлашнинг самарали технологиясини яратиш бўйича амалга оширилган ишлар натижасида:

Аррали жин чигит тароғини такомиллаштирилган конструкцияси “Ўзпахтасаноат” АЖ га қаршли Андижон 3 пахта тозалаш корхонасида ишлаб чиқаришга жорий қилинган (“Ўзпахтасаноат” АЖ нинг 2021 йил 11.06 даги ФТ-18/1238 - сон маълумотномаси). Натижада аррали жинлаш жараёнида ишчи камерада чигитларнинг вақт бирлигидаги чиқиши 14÷16 % га кўпайиши натижасида жараён иш унумдорлиги ошган;

Аррали жинлаш жараёнида тўртбурчак профилли чигит тароғи ўрнатилган ишчи камерага асосланган жинлаш технологияси “Ўзпахтасаноат” АЖга қаршли Андижон 3 пахта тозалаш корхонасида ишлаб чиқаришга жорий қилинган (“Ўзпахтасаноат” АЖ нинг 2021 йил 11.06 даги ФТ-18/1238 - сон маълумотномаси). Натижада аррали жин машинаси иш унуми 15-17% га ошган;

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари бўйича 2 та халқаро ва 8 та Республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 10 та илмий ишлар чоп этилган, шундан 8 та илмий мақола, шу жумладан 6 та диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини нашр этиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан тавсия этилган илмий журналларда ва 2 та хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 4та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 116 бетни ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар таҳлили. Тадқиқот мақсади ва вазифалари**» деб номланган биринчи бобида пахтани дастлабки ишлаш бўйича жаҳоннинг етакчи ишлаб чиқарувчиларидан АҚШ ва Хитой компанияларининг чигитдан толани ажратиш техника ва технологиялари чуқур ўрганилган. Шунингдек, Республикамизнинг бир қатор олимлари томонидан жин машинасини такомиллаштиришга қаратилган илмий изланишлари таҳлил қилинган. Пахтани қайта ишлаш техника ва технологиясини такомиллаштириш, аррали жинлар ишчи органларини ҳисоблаш ва лойиҳалаш методларини ишлаб чиқиш ва конструкцияларини такомиллаштириш, технологик параметрлари ва жинлаш жараёнини муқобиллаштириш бўйича маҳаллий ва хорижий мамлакатларда бажарилган ишлар таҳлил қилинган. Лекин тола ажратиш, аррали жинларнинг ишчи органларини технологик, кинематик ва динамик параметрларини асослаш, машинанининг иш унумдорлигига, тола ва чигитнинг табиий хусусиятлари чигит тароғи конструкциясининг таъсири бўйича тадқиқотлари кўриб чиқилмаган. Шунинг учун аррали жин чигит тароғини такомиллаштириш ва ишлаш режимларини ҳисоблаш методларини ишлаб чиқиш соҳанинг муҳим илмий муаммоси ҳисобланади.


Диссертациянинг «**Чигит тароғи зонасидаги чигитлар ҳаракатини назарий тадқиқ этиш**» деб номланган иккинчи бобида жинланган чигитларни ишчи камерадан чиқишига чигит тароғи шаклининг таъсири, чигитлар тўпламининг колосник бўйлаб ҳаракати қонуниятини назарий тадқиқи ва чигитлар тўплами ҳаракати оқимини икки компонентли муҳит асосида ўрганиш ҳамда чигит тароғи билан колосник юзаси бўйлаб толаси тўлиқ ажратиб олинган чигитлар ҳаракатининг ўзаро таъсир жараёни моделлаштирилган яъни, ўзаро таъсир кучлари аниқланган ва ҳаракати моделлаштирилган.

Толаси тўлиқ ажратиб олинган чигитларни ишчи камерадан узлуксиз чиқиб туриши жинлаш ва хомашё валиги зичлигини бир меъёрда ушлаб туриш жараён самарадорлигини оширишнинг асосий йўллари билан бири ҳисобланади. Жинлаш зонасида толаси ажратилган чигитлар колосник сиртида ҳаракатланиб чигит тароғи зонасига узатилади. Аррали жиннинг нормал ишлаши учун колосниклар сирти текис, силлиқ бўлиб, улар орасидаги масофа юқори қисмида  $3 \pm 2$  мм га Б пастки қисмида эса 5-6,5 га тенг бўлади. Пахта тозалаш корхоналарида жинлаш технологик жараёни 4ДП-130 қурилмаси орқали амалга оширилади. Маълумотлар таҳлилидан қуриламнинг иш унумдорлигини пастлиги, маъсулот сифат кўрсаткичи талаб даражсида жавоб бермаслиги ва кўп энергия талаб этиши мумкинлиги аниқланган. Толаси тўлиқ ажратиб олинган чигитларнинг колосниклар сиртидаги ҳаракати қонуниятлари ва ишчи камерадан чиқиб кетиш жараёнида чигит тароғининг роли етарли даражада тадқиқ этилмаган. Тадқиқотлар натижалари таҳлилида колосник сирти бўйлаб пастга ҳаракатланаётган чигитлар массасининг майдон юзаси  $1096,5 \text{ см}^2$  га тенг бўлиб, чигит тароғи зонасига етиб келган чигитлар чигит тароғи билан колосник орасидаги майдон юзасининг  $438,6 \text{ см}^2$  гача камайиши натижасида толаси тўлиқ ажратиб олинган чигитларни ишчи камерадан чиқиб кета

олмаслиги ва бунинг натижасида аррали цилиндр арралари тишлари билан қайтадан ишчи камерага қайтиш жараёни содир бўлади.

Мавжуд чигит тароғида чигитлар тушаётган пастки майдон юзасининг етарли даражада бўлмаслиги сабабли юқорида келтирилган камчиликлар содир бўлади. Бу ҳолатни бартараф этиш учун конструкцияси ўзгартирилган  $A_0B_0KLB_1$  чигит тароғидан фойдаланиш таклиф этилади.

Колосник бўйлаб чигит тароғи зонасига тушаётган чигитларнинг оқим тезлигини аниқлаш ва пастга ҳаракатланаётган чигит массаси билан колосник оралиғидаги оқимнинг кесим юзасини чигит тароғидаги мавжуд юза билан солиштириб, чигит тароғи билан колосник орасидаги чигит оқимининг ўтказиш имкониятини баҳолаш мумкин бўлади. Шу муносабат билан дастлаб чигит оқимининг колосник бўйлаб ҳаракат тенгламасини кўриб чиқамиз. Колосникни 4 зонага бўлиб, уларнинг ҳар бирида чигит массаси ҳаракатини туташ муҳит модели асосида оқимнинг стационар ҳаракати тадқиқ этилган (1-расм).



**1-расм. Таклиф этилаётган чигит тароғининг шакли**

Тизимдаги чигит массалари ҳаракат тенгламасини тузиш учун ишлаб чиқаришда қўлланилаётган колосникларнинг геометрик шаклидан фойдаланамиз. Аниқлик киритиш учун колосник йўлагини 3 та участкадан иборат деб қабул қиламиз. Колосник йўлакчасининг таклиф этилган геометрик шакли 2-расмда келтирилган. Координат бошини аррали цилиндр маркази  $Ox$  жойлаштирамиз ва  $Ox$  ўқини чапдан ўнга,  $Oy$  ўқини ўнга перпендикуляр қилиб пастдан юқorigа йўналтирамиз, бундан ташқари колосник участкалари  $AB$ ,  $BC$  ва  $CD$  ларнинг  $Ox$  ўқи билан ташкил қилган бурчакларини мос равишда  $\alpha_3$ ,  $\alpha_3$ ,  $\alpha_1$ ,  $\alpha_2$  ва  $\alpha_3$  билан белгилаймиз. Бу ерда участкаларнинг узунликлари ва ўтиш бурчаклари қўйидагича белгиланган  $AB = l_1$ ,  $BC = l_2$ ,  $CD = l_3$ ,  $AE = l_1 - s$ ,  $OA = R$ ,  $OB = R_1$ ,  $\angle B = \alpha_1$ ,  $\angle C = \alpha_2$ ,  $\angle D = \alpha_3$ . Колосник


йўлакчалари бўйлаб чигитлар тўпланининг ҳаракат тенгламасини тузиш учун қўйидаги шартларни қабул қиламиз.

1. Чигитлар тўпланининг қалинлиги чекли бўлган туташ муҳит ва унинг ҳажмий деформацияси манфий (муҳит сиқулувчан) бўлиб, босимга пропорционал деб қабул қилинади

2. Чигитли тўплам оқими колосник бўйлаб стационар ва бир ўлчовли бўлиб, унинг ихтиёрий кесимдаги параметрлари колосник бўйлаб йўналган кучланиш, зичлик ва тезликлар орқали ифодаланади. Қатлам иккита аррали дисклар оралигида бўлишида унинг деформацияси дискларга перпендикуляр йўналишда нолга тенг деб, колосник ва унга перпендикуляр йўналишдаги деформацияларини  $\varepsilon_1 = \varepsilon$ ,  $\varepsilon_2$  ( $\varepsilon$  чизикли деформация) билан белгиланса, ҳаракатни бир ўлчовли шартдан  $\varepsilon_2 = -\mu\varepsilon_1$  келиб чиқиб, ҳажм деформациясини аниқлаймиз  $\Delta = \varepsilon_1 + \varepsilon_2 = (1 - \mu)\varepsilon$ . Ҳажм деформацияси билан зичлик ўртасидаги боғланишни ушбу формула ёрдамида аниқлаймиз  $\Delta = \frac{V - V_0}{V_0} = \frac{\rho_0}{\rho} - 1$ . У ҳолда чизикли деформация учун қуйидаги ифодани оламиз

$$\varepsilon = \frac{1}{1 - \mu} \left( \frac{\rho_0}{\rho} - 1 \right) \quad (1)$$

Бу ерда  $\mu$  Пуассон коэффиценти,  $\rho_0$  муҳитнинг деформациягача бўлган дастлабки зичлиги,  $\rho$  - муҳитнинг деформациялаган ҳолатидаги зичлиги.



2-расм. Колосник йўлакларининг жойлашиши схемаси

Биринчи шартга кўра, муҳитнинг ҳажмий деформацияси манфий бўлиши учун  $\rho > \rho_0$  тенгсизлик бажарилиш керак.

Тажрибадан босим билан зичлик орасида ушбу боғланиш аниқланган бўлиб, қуйидагига тенг бўлади.

$$\rho = \rho_0[1 + A(p - p_0)] \quad (2)$$

Бу ерда  $A = 1/K$  колосникдаги қатламни сиртлари силлиқ бўлган икки арра диски орасида зичлаш жараёнида зичлик билан босим орасидаги чизикли боғланишнинг пропорционаллик коэффициенти  $K$ , қатламнинг ҳажм ўзгариш модули деб айтилади,  $p_0$  дастлабки босим. Эластиклар назарияси асосида Гук қонунидаги Юнг модули билан  $K$  орасида қўйидаги боғланишни аниқлаш мумкин:

$$E = \frac{3K(1-2\mu)(1+\mu)}{1+2\mu^2}$$

(1) ва (2) тенгликлардан фойдаланиб чизикли деформация билан босим орасидаги боғланишни аниқлаймиз

$$\varepsilon = -\frac{1}{1-\mu} \frac{A(p-p_0)}{1+A(p-p_0)} \approx -\frac{A(p-p_0)}{1-\mu} \quad (A(p-p_0) \ll 1) \quad (3)$$

(2) ва (3) ифодалар зичлик ва чизикли деформациянинг босим билан боғланиш формулаларини белгилайди.


3. Қатламнинг ҳаракат йўналишидаги кучланиши  $\sigma$  ни Гук қонуни орқали аниқлаймиз.

$$\sigma = E\varepsilon = -E \frac{A(p-p_0)}{1-\mu} = -\frac{E}{K}(p-p_0) = -\frac{3(1-2\mu^2)(1+\mu)}{(1+2\mu^2)(1-\mu)}(p-p_0) \quad (4)$$

(4) ифода қатлам кесимда ҳосил бўладиган кучланиш билан босим орасидаги боғланишни аниқлайди. Формула таҳлилидан боғланиш коэффициенти Пуассон коэффициентининг функцияси бўлиши кузатиляпти. Бу коэффициентни  $E_0$  белгилаб (4) формулани қўйидагича ёзамиз

$$\sigma = -E_0(p-p_0) \quad (5)$$

3-расмда коэффициент  $E_0$  нинг Пуассон коэффициенти  $\mu$  га боғлиқлик графика келтирилган.




**3-расм. Ўлчовсиз Юнг модули  $E_0 = E/K$  нинг Пуассон коэффициенти  $\mu$  га нисбатан ўзгариш графика**

4. Қатламнинг оқимини колосник бўйлаб стационар ва бир ўлчовли ҳаракатини ўрганиб чиқамиз. Унга таъсир этаётган ташқи кучлар: қатламнинг бир бирлик узунлиги мос келадиган оғирлик кучи ва ишқаланиш кучларининг ҳаракат йўналишидаги проекциялари, қатламга ўзгармас тезлик билан ҳаракатланаётган дисклар томонидан таъсир этаётган қаршилик кучи. Бу куч иккала диск сиртида ҳосил бўлиб унинг қиймати дисклар чизиқли тезликларининг колосник бўйлаб ҳаракатланаётган оқим йўналишидаги проекциялари билан оқим тезлиги орасидаги айирмага пропорционал деб қабул қилинади. Дастлаб 4-расмдан фойдаланиб диск сирти тезлигининг колосник бўйлаб проекциясини аниқлаймиз. Колосникнинг  $AB$  участкасида бошланғич  $A$  нуқтадан ихтиёрий масофадаги  $E$  нуқтада диск тезлигининг оқим проекциясини аниқлаймиз. Диск сиртидаги чизиқли тезлигининг қиймати  $v_0$  бўлиб, диск радиуси йўналишидаги  $OE$  тўғри чизиққа перпендикуляр бўлади.

4-расмда  $\alpha_1 + \gamma_1 = \varphi_1$  белгилаб,  $R_1$   $\triangle OBA$  бурчакни аниқлаймиз:

$$\varphi_1 = \arccos \frac{\sqrt{R^2 + l_1^2 - R_1^2}}{2l_1 R}$$



**4-расм. Диск сиртидаги тезлиkning колосникнинг биринчи участкаси йўналишидаги проекциясини аниқлаш схемаси**

$\varphi_1$  бурчак маълум бўлса учбурчак  $\triangle OBE$  бурчак  $\delta_1$  томон  $R_s$  бурчак ушбу формулала билан аниқланади:

$$\delta_1 = \arcsin(R_1 \sin \varphi_1 / R_s)$$


$$R_s = \sqrt{R_1^2 + (l_1 - s)^2 - 2R_1(l_1 - s)\cos\varphi_1}$$

Диск чизикли тезлигининг  $AB$  йўналишдаги проекцияси

$$v_{AB} = -v_0 \cos(\pi - \delta_1 - \pi/2) = -v_0 \sin \delta_1 = -v_0 \frac{R_1 \sin \varphi_1}{R}$$

5-расмда нисбат  $\bar{v}_{AB} = -v_{AB}/v_0$ нинг  $R_1$  ҳар хил қийматларида координата  $s$  нисбатан ўзгариш графиклари келтирилган.

Аррали диск сиртидаги тезликнинг  $AB$  йўналишдаги проекциясининг ( $-v_0$  нисбатан)  $R_1$  (м) масофанинг ҳархил қийматларид  $s$  (м) га нисбатан ўзгариш графиклари . 1 –  $R_1 = 0.115$ , 2 –  $R_1 = 0.110$ , 3 –  $R_1 = 0.105$ , 4 –  $R_1 = 0.1$ , 5 –  $R_1 = 0.095$ .



5-расм. Аррали диск сиртидаги тезликнинг  $AB$  йўналишдаги проекцияси

Диссертациянинг «**Чигит тароғи конструкциясининг тадқиқоти**» деб номланган учинчи бобида чигит тароғи конструкцияси ўзгаришини жинланган чигитнинг ишчи камерада чикишига жин ускунасининг тола ва чигит бўйича иш унумдорлигига, чигит тароғи конструкцияси ўзгаришини чигитнинг тўлиқ тукдорлигига ва хомашё валиги толадорлигига, чигит тароғи конструкциясини ўзгаришини жин ускунаси хомашё валиги зичлигига ва чигитнинг механик шкастланишига, чигит тароғи конструкциясининг ўзгаришини чигитнинг механик шкастланишини ва тола таркибидаги ифлос аралашмалар ва нуқсонлар миқдорини ўзгаришига таъсирини тадқиқотлари олиб борилган. Такмиллаштирилган чигит тароғининг конструкциялари 6-расмда келтирилган.



а) 1-вариант




б) 2-вариант



в) 3-вариант

**6-расм. Такимилаштирилган чигит тароғи конструкциялари**

7-расмда жин ускунасининг тола бўйича иш унумдорлигини чигит тароғи конструкциясига боғлиқлик гистограммаси келтирилган. Гистограммадан кўришиб турибдики 1-саноат навли пахталарини қайта ишланганда жин ускунасининг иш унумдорлиги 1-вариантда 10,1 кг арра/соатни ташкил этган бўлса, 2- ва 3-вариантларда 11,62 ва 12,12 кг арра/соатларни ташкил этмоқда. Худди шунингдек, 4-саноат навли пахталарини қайта ишланганда эса жин ускунасининг иш унумдорлиги ўз навбатида 7,90; 9,10 ва 9,48 кг арра/соатларни ташкил этиши кузатилмоқда.




Чигит тароғининг конструкцияси

**7-расм. Жин ускунасининг тола бўйича иш унумдорлигини чигит тароғи конструкциясига боғлиқлик гистограммаси**

8-расмда жин ускунасининг чигит бўйича иш унумдорлигини чигит тароғи конструкциясига боғлиқлик гистограммаси келтирилган. Гистограммадан кўришиб турибдики 1- навли пахталарини қайта ишланганда жин ускунасининг чигит бўйича иш унумдорлиги 1- вариантда 2087 кг ни ташкил этган бўлса, 2 ва 3-вариантларда 2401 ва 2505 кгларни ташкил этмоқда. 4 навли пахталарини




қайта ишланганда эса жин ускунасининг иш унумдорлиги 1540; 1771 ва 1848 кг ларни ташкил этмоқда.



Чигит тароғининг конструкцияси

**8 расм. Аррали жиннинг чигит бўйича иш унумдорлигини чигит тароғи конструкциясига боғлиқлик гистограммаси**

9-расмда ишчи камерадан чиқаётган чигит миқдорини чигит тароғи конструкциясига боғлиқлик графиги кўрсатилган. Графикдан кўриниб турибдики 1-вариантда тайёрланган чигит тароғи горизонтга нисбатан  $20^0$  да жойлашганда, яъни чигит тароғи билан колосник орасидаги масофа 20 ммни ташкил этганда, 5 минут вақт мобайнида ишчи камерадан 34,6 кг чигит чиқиб кетган бўлса, 2-вариантда тайёрланган чигит тароғи конструкциясидан фойдаланилганда 39,1 кг ва 3-вариантда тайёрланган чигит тароғи конструкциясидан фойдаланилганда эса 41,2 кг толаси тўлиқ ажратиб олинган чигитларни ишчи камерадан чиқиб кетиши кузатилмоқда.




Чигит тароғининг конструкцияси

**9 расм. Ишчи камерадан чиқаётган чигит миқдорини чигит тароғи конструкциясига боғлиқлик графиги**

Чигит тароғини горизонтга нисбатан жойлашиши  $30^0$  ни ташкил этиб 1-вариантда тайёрланган чигит тароғидан фойдаланилганда 36,1 кг, 2 вариантда

40,2 кг ва 3 вариантда тайёрланган чигит тароғидан фойдаланилганда 42,3 кг толаси тўлиқ ажратиб олинган чигитларни ишчи камерадан чиқиб кетишини кузатилган бўлса, чигит тароғини горизонтга нисбатан  $40^0$  да жойлашганда, ишчи камерадан 36,8; 41,4 ва 43,5 кг толаси тўлиқ ажратиб олинган чигитларни ишчи камерадан чиқиб кетиши кузатилмоқда.

10-расмда хомашё валиги зичлигини чигит тароғининг жойлашиш ҳолатига боғлиқлик графиги келтирилган. Графикдан кўриниб турибдики, 1 вариантда тайёрланган чигит тароғининг ишчи ҳолати горизонтга нисбатан  $20^0$  ни ташкил этганда хомашё валигининг зичлиги  $375 - 380 \text{ кг/м}^3$  ни ташкил этган бўлса, чигит тароғи ишчи ҳолатини горизонтга нисбатан жойлашиши  $30^0$  ва  $40^0$  ларни ташкил этганда хомашё валигининг зичлиги  $370$  ва  $360 \text{ кг/м}^3$  ларгача камайиши кузатилмоқда. 2 вариантда тайёрланган чигит тароғининг ишчи ҳолатини горизонтга нисбатан жойлашиши  $20^0$ ;  $30^0$  ва  $40^0$  ларни ташкил этганда хомашё валигининг зичликлари  $346$ ;  $340$  ва  $316 \text{ кг/м}^3$  ларни, 3 вариантда тайёрланган чигит тароғидан фойдаланилганда бу кўрсаткичлар  $323$ ;  $310$  ва  $304 \text{ кг/м}^3$  ларни ташкил этиши кузатилмоқда.



**10 расм. Хом ашё валиги зичлигини чигит тароғининг жойлашиш ҳолатига боғлиқлик графиги**

Диссертациянинг «**Аррали жин машинаси янги чигит тароғининг ишлаб чиқариш синовлари ва иқтисодий самарадорлиги**» деб номланган тўртинчи бобида таклиф этилаётган чигит тароғини ишлаб чиқариш шароитида ўтказилган синовлар натижалари ва уларни амалиётга жорий қилиш натижасида олинган иқтисодий самарадорлик ҳисобига оид маълумотлар акс этган. Жин машинасига ўрнатиш таклиф этилган чигит тароғини «Ўзпахтасаноат» АЖ тизимидаги «Андижон 3» пахта тозалаш» АЖда ишлаб чиқариш синовларидан ўтказилди.

Ишлаб чиқариш тажриба-синов натижаларини ўтказиш учун Ан-36 селекцион навли 1-чи саноат нав 2 синф, намлиги  $10,6 \%$ , ифлослиги  $4,8\%$  ва

4 -чи саноат нав 1-синф, намлиги 10,9 %, ифлослиги 7,6% бўлган пахталарда уч қайта такрорликда ўтказилди. Ишлаб чиқариш тажриба-синов натижалари 1-жадвалда кўрсатилган.

1-жадвал

Ишлаб-чиқаришда ўтказилган тажриба натижалари

Кўрсаткичлар	Тозаланган пахтанинг селекцияси, нав ва синфи			
	Мавжуд технологик жараён		Таклиф этилаётган технологик жараён	
	Ан-36 I- сорт 2-синф	Ан-36 IV-сорт 1-синф	Ан-36 I-сорт 2-синф	Ан-36 IV-сорт 1-синф
1. Ғарамдаги пахтанинг сифат кўрсаткичлари				
– намлик, %	9,6	11,9	9,6	11,9
– ифлослиги, %	4,9	7,8	4,9	7,8
2. 2СБ-10 қуритгичдан кейинги пахтанинг кўрсаткичларини ўзгариши, жами:				
– қуритиш агентининг ҳарорати, °С	110	130	110	130
– намлик, %	8,2	8,8	8,2	8,8
– ифлослиги, %	4,7	7,4	4,7	7,4
– чигит шикастланишини ошиши, %	0,2	0,5	0,2	0,5
3. Пахтанинг УХК агрегатидан кейинги кўрсаткичлари:				
– намлик, %	8,1	8,6	8,1	8,6
– ифлослиги, %	0,9	1,3	0,9	1,6
– чигитнинг шикастланиши, %	1,7	1,9	1,7	1,9
4. 4ДП-130 жиндан кейин чигитнинг кўрсаткичлари:				
– чигитнинг механик шикастланиш даражаси, %	5,8	8,6	4,4	6,7
– чигитнинг шикастланиши ошиши, жами, %	4,3	7,0	2,9	5,1
5. 1ВПУ тозалагичдан кейин тола кўрсаткичлари:				
– нуқсон ва ифлос аралашмалар миқдори, %	2,91	5,31	2,32	4,64
– майда ифлослик	0,67	1,58	0,67	1,59
– йирик ифлослик	0,41	0,57	0,40	0,54
– ўлик	0,46	0,66	0,44	0,65
– синган чигитлар	0,38	0,51	0,23	0,38
– қобикли тола	0,67	1,38	0,40	1,14
– гажжаклар	0,37	0,61	0,24	0,34
– нав	1	4	1	4
– синф	Ўрта	Яхши	яхши	Яхши

1-жадвалда кўришиб турибдики 1 нав 2 синфга мансуб пахтани мавжуд технологик жараёнда қайта ишланганда жин ускунасидан чиққан чигитларнинг механик шикастланиш даражаси 5,8 фоизни ташкил этиб, тола тозалагичдан сўнг толадаги нуқсонлар ва ифлос аралашмалар миқдори 2,91 фоизни, яъни 1 нав ўрта синфга мансуб тола ишлаб чиқарилган бўлса, таклиф этилаётган чигит тароғининг янги конструкцияси қўлланилганда чигитларнинг механик

шкастланиш даражаси 4,4 фоизни ташкил этиб, ишлаб чиқарилган толадаги нуқсонлар ва ифлос аралашмалар миқдори 2,32 фоизни ташкил этмоқда ва 1 нав ўртадан 1 нав яши синфга кўтарилиши кузатилмоқда.

Тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга тадбиқ этилганда қайта ишланаётган пахта хом ашёсидан олинаётган толанинг сифат кўрсаткичларини кўтарилиши натижасида 3593760 минг сўм иқтисодий самарага эришилди

## УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Маҳаллий ва чет эл фирмалари аррали жинлар конструкцияларини такомиллаштириш бўйича тадқиқотларини ўрганиш таҳлиллари, пахта толаси сифатига бўлган талабларга тўлиқ жавоб бермаслиги, толаси тўлиқ ажратиб олинган чигитларни ишчи камерадан чиқиш масаласи ва жинлаш жараёнида хомашё валигини зичлигини ўзгаришига таъсир этувчи омиллар тўлиқ ўрганилмаган.

2. Ўзгармас тезлик билан ҳаракатланаётган чигитлар оқимиغا қаршилик кўрсатувчи кучлар ўрганилди ва арра радиуси бўйича бошланғич тезликнинг тақсимланиши ҳамда  $R_1=0,115$  м да энг катта,  $R_5=0,095$  м да энг кичик кучланишлар таъсири аниқланди.

3. Колосник йўлакчаси икки ёнидан арра дисклари девор сифатида ва уларнинг вертикал ўқи бўйича толаси ажратилган чигитнинг сиқилиш кучланиши камайиб бориши, икки арра деворлари орасидаги масофа эни 18,45 мм дан кам бўлганда қамраб олиш бурчаги кичиклашиши, ораликдаги чигит миқдорини кўпайишига сабаб бўлиб, унинг сиқилиш кучланишини ортишига олиб келиши, натижада чигитнинг колосник билан тароғ орасидаги ҳаракатланиши секинлашиб, жин машинасида чигитни бир меъёрда узлуксиз чиқиш имкониятининг бузилиши назарий асосланди.

4. Чигит тароғи конструкциясининг ўзгаришини жин ускунасининг тола бўйича иш унумдорлигини 10,1 кг/арра соатдан 12,12 кг/арра соатга ортишига эришилди.

5. Чигит тароғини жойлашиш ҳолати бўйича  $20^0$  дан  $40^0$  гача ошганда хомашё валигининг зичлиги  $375 \text{ кг/м}^3$  дан  $323 \text{ кг/м}^3$  гача камайишига эришилди.

6. Таклиф этилаётган конструкциялар бўйича хомашё валиги толадорлиги 1,50%дан 2,6 %гача ортишига, бу эса ўз навбатида ускунанинг иш унумдорлигини 15- 17% га ортишига эришилди.

7. Таклиф этилган конструкцияни қўлланилиши тола таркибидаги ифлос аралашмалар ва нуқсонлар миқдорини 0,6%га, чигит механик шикастланиши 1,5-2,0% га эришган ҳолда маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичларини яхшилашга эришилди.

8. Ишлаб чиқаришда ўтказилган тадқиқотлар натижаларига кўра таклиф этилаётган чигит тароғининг қўлланилиши натижасида тола таркибидаги ифлос аралашмалар ва нуқсонлар миқдори мавжуд конструкцияга нисбатан 0,3-0,4 фоизга камайишига эришилди.

9. Тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга тадбиқ этилганда қайта ишланаётган пахта хом ашёсидан олинаётган толанинг сифат кўрсаткичларини яхшиланиши ҳисобига 3593760 сўм иқтисодий самарага эришилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 ПРИ НАМАНГАНСКОМ ИНЖЕНЕРНО-  
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**АНДИЖАНСКИЙ ИНСТИТУТ МАШИНОСТРОЕНИЕ**

**МАМАШАРИПОВ АБДУНАБИ**

**ПОВЫШЕНИЕ ПРОИЗВОДИТЕЛЬНОСТИ ПИЛЬНОГО ДЖИНА НА  
ОСНОВЕ МОДЕРНИЗАЦИИ СЕМЕННОЙ ГРЕБЕНКИ**

**05.06.02- Технология текстильных материалов и первичная обработка сырья**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Наманган-2021**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрировано в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2018.4.PhD/T527.**

Диссертация выполнена в Наманганском инженерно-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-страница по адресу: [www.nammti.uz](http://www.nammti.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:** **Мадумаров Илхомжон Дедаханович**  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Эргашев Жамоллидин Саматович**  
доктор технических наук

**Муминов Мансур**  
доктор философии по техническим наукам

**Ведущая организация:** **Джиззахский политехнический институт**

Защита диссертации состоится «25» сентября 2021 г. в 8<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.T.66.01 при Наманганском инженерно-технологическом институте по адресу: 160115, г. Наманган, ул. Касансайская-7, Административное здание Наманганского инженерно-технологического института, 1-й этаж, малый зал совещаний, тел: (+ 99869) 228-76-68, 225-10-07, факс: (+99869) 228-76-75, e-mail: [niei\\_nfo@edi.uz](mailto:niei_nfo@edi.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Наманганского инженерно-технологического института (зарегистрирована под № 417). Адрес: 160115, г. Наманган, ул. Касансайская-7. Тел.: (+99869) 228-76-68, факс: (+99869) 228-76-75, e-mail: [niei\\_nfo@edi.uz](mailto:niei_nfo@edi.uz).

Автореферат диссертации разослан «13» сентября 2021 года  
(Протокол рассылки № 46 от «13» сентября 2021 года)

**Р.М.Муродов**

Председатель научного совета по присуждению  
ученой степени, д.т.н., профессор

**Х.Т.Бобожанов**

Ученый секретарь научного совета по присуждению  
ученой степени, д.т.н., доцент

**К.М.Холиков**

Председатель научного семинара при научном совете  
по присуждению ученой степени, д.т.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** По данным «Международного консультационного комитета по хлопку» (ICAC) «... каждый год в мире выпускается 23-24 млн тонн хлопкового волокна, его годовое потребление составило 24-25 млн тонн»<sup>3</sup> В связи с этим в мировом масштабе увеличивается объем исследований, направленных на повышение качества и снижение себестоимости хлопковой продукции, а также становится одной из важных задач - это изучение и предотвращение факторов, отрицательно влияющих на качество продукции, разработка ресурсосберегающих технологий, способствующих сокращению расходов во всех этапах производства

В мире как основному процессу первичной обработки хлопка уделяется особое внимание процессу отделения волокна от семян, развитию его техники и технологии, а также повышению качества и снижению себестоимости продукции за счет широкого внедрения современной, ресурсосберегающей техники и технологии джинирования. В этом направлении, в частности, разрабатываются научные основы повышения эффективности процесса джинирования хлопка, сохранения первоначальных качественных показателей волокна и семян при переработке, уменьшения расхода энергии.

В нашей республике уделяется большое внимание стремительному развитию производства готовой продукции с добавочной стоимостью на основе глубокой переработки хлопкового сырья, обеспечению конкурентоспособной хлопковой продукции на внутреннем и внешнем рынке на основе модернизации хлопкоочистительных заводов. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы предусматривается «...повышение конкурентоспособности национальной экономики, сокращение в экономике энергетических и материальных расходов, широкое внедрение в производство энергосберегающих технологий». При выполнении данного требования вопросы разработки и внедрения эффективной технологии отделения волокна от семян, способствующих сохранению качества волокна и семян, а также сокращению энергетических расходов, являются одним из основных и важных задач хлопкоочистительной промышленности. Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указами Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года УП-4947 «О Стратегии действий по Республике Узбекистан в 2017-2021 годах», Постановлениями Президента Республики Узбекистан от 28 ноября 2017 года ПП-3408 «О мерах по кардинальному совершенствованию системы управления хлопковой отраслью» и в Постановлении Кабинета Министров от 31 марта 2018 года №253 «О дополнительных мерах по

---

<sup>3</sup> International cotton advisory committee. Washington, Грош Шe Secretariat of the ICAC. email secretariat@icac.org. ep1eШber 1, 2017

организации деятельности хлопковых текстильных производств и кластеров», а также других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

